



## Х У К М

### Ўзбекистон Республикаси номидан

2019 йил март ойининг 4 куни, жиноят ишлари бўйича Қизилтепа туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи: Х.Чиниев

судья ёрдамчиси Н.Қурбоновнинг котиблигида, томонлардан Қизилтепа туман прокурори катта ёрдамчиси Х.Юсупов, судланувчи ММ ва унинг ҳимоячиси “БАХС-НАВОИЙ” адвокатлар ҳайъати адвокати ННнинг иштирокида, судланувчи ММга нисбатан бўлган 1-2105-1901/8-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Судланувчи: ММ (М) 111 йил 11 июль куни Навоий вилояти Қизилтепа туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, мукаддам судланмаган, маълумоти ўрта-маҳсус, турмушга чиқмаган, “ББ” Х/Кга қарашли дорихонада сотувчи, Қизилтепа тумани “ОО” МФЙда яшайди, иш бўйича “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, жиноят ишидаги бошқа далилларни атрофлича текшириб чиқиб, тарафларнинг музокара сўзларини ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, куйидагиларни,

### А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи ММ 2018 йил октябрь ойидан ҳозирги кунга қадар Қизилтепа тумани ДСИдан рўйхатдан ўтган туманнинг “Қ” МФЙда жойлашган “ББ” хусусий корхонасига қарашли дорихонада сотувчи сифатида ишлаб келиб, ўз хизмат вазифасида ушбу дорихонада мавжуд бўлган Республика ҳудудида муомаласи чекланмаган дори воситалари сотиш кўрсатилмаган бўлса-да, 2018 йил 14 декабрь куни Қизилтепа туман ҳудудида “Назорат тартибда сотиб олиш” тезкор тадбирида “шартли харидор” сифатида жалб қилинган Қизилтепа ИИБ тезкор вакили катта лейтенант Ўга 20 минг сўм эвазига 10 дона “MR САМНАТ”, 8 дона “ФЕНИБУТ” ҳамда 1 дона “MIRTEL” таблеткаларини қонунга хилоф равишда ўтказганлиги Қизилтепа туман ИИБ ТЭҚК ходимлари томонидан гиёҳвандлик моддаларини ноқонуний равишда муомалага киритиш билан шуғулланувчи шахслар фаолиятига чек қуйиш тезкор тадбири давомида аниқланган.

Олиб борилган терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида, сотувчи ММ 19 дона “MR САМНАТ”, 10 дона “СОННАТ”, 7 дона “ФЕНИБУТ” ҳамда 15 дона “MIRTEL” таблеткаларини ўз ихтиёри билан туман ИИБ ходимларига ҳолислар иштирокида тақдим қилган.

Навоий вилоят ИИБ ЭКБнинг 19.12.2018 йилдаги 185-сонли хулосасига кўра жами 29 дона “MR САМНАТ” таблеткаларида умумий оғирлиги 0,2175 грамм, жами 10 дона “СОННАТ” таблеткаларида умумий оғирлиги 0,075 грамм **зопиклон** моддаси мавжудлиги кўрсатилган.

**Зопиклон** - Ўзбекистон Республикаси ВМнинг “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек, уларнинг муомаллада бўлиш юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида”ги 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сонли қарорига ўзгартириш киритиш ҳақидаги 2018 йил 27 октябрь кунидаги 878-сонли қарорнинг 3-рўйхатига кўра, Республика ҳудудида муомаласи чекланган психотроп моддалар рўйхатига киришлиги кўрсатилган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи **ММ** айбига қисман иқдорлик билдириб, у ҳозирги кунда Қизилтепа тумани “Қ” МФЙда жойлашган “ББ” хусусий корхонасига тегишли бўлган дорихонада сотувчи бўлиб ишлашни, 2018 йил 14 декабрь куни соат 12:30 ларда у иш жойида миждозларга хизмат кўрсатиб турган вақтида, унга нотаниш бўлган бир фуқаро келиб, унга уйқу дори воситаси бор ёки йўқлигини сўраганлигини, шунда у нотаниш фуқародан шифокор томонидан ёзиб берилган рецептни талаб қилганлигини, нотаниш фуқаро унга шифокор томонидан ёзиб берилган рецепти йўқлиги айтганини, психотроп моддалар рецептини сўрамаганлигини, аксинча оддий шифокор рецептини сўраганлигини, сўнг у нотаниш бўлган кишига 10 дона “САМНАТ”, 8 дона “ФИНИБУТ” ва 1 дона “МЕРТИЛ” дори воситасини олиб чиқиб кўрсатганини, шундан сўнг ушбу нотаниш фуқаро унга ушбу дори воситаларининг ҳаммасини сотиб олишини айтиб, ундан ушбу дори воситаларининг нархини сўраганини, шунда у ушбу дори воситаларининг барчаси 20 минг сўм бўлишини айтганлигини, сўнг нотаниш фуқаро унга 20 минг сўм пулларни бериб барча дори воситаларни сотиб олиб кетганлигини, шундан сўнг у дорихонага келган хизматчи Сга бироз савдо дўконига қараб туришлигини, у акасининг олдида бориб келишини айтиб дорихонадан чиқиб кетганини, орадан бироз вақт ўтганидан сўнг уни қўл телефонида С кўнғироқ қилиб дорихонага тезда келишини айтганлигини, шундан сўнг у дорихонага борган вақтида дорихонага харидор сифатида келиб ундан 10 дона “САМНАТ”, 8 дона “ФИНИБУТ” ва 1 дона “МЕРТИЛ” дори воситасини 20 минг сўм пулга сотиб олган йигит ва профилактика инспектори дорихона ташқарисида турганлигини кўрганини, шунда ундан дори воситасини сотиб олган йигит ўзининг хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, ўзини Қизилтепа тумани ИИБ ЖКБ ходими деб таништирганлигини, шундан сўнг ушбу ИИБ ходимлари ундан дори воситаси учун берган 20 минг сўм пулларни сўраганини, сўнг у уларга ушбу 4 дона 5 минг сўмлик купюрадаги 20 минг сўм пулларни кассада чиқариб берганлигини, сўнг ИИБ ходимлари ундан уларга сотган дориларининг қолганини ҳам дорихонадан олиб беришини талаб қилишганини, у дориларнинг қолган қисмини ҳам олиб берганлигини, ИИБ ходимлари 2 нафар холислар иштирокида ундан дастлаб сотиб олиб кетган 10 дона “MR САМНАТ”, 8 дона “ФЕНИБУТ” ҳамда 1 дона “MIRTEL” таблеткаларидан ташқари ўз ихтиёри билан берган 19 дона “MR САМНАТ”, 10 дона “СОННАТ”, 7 дона “ФЕНИБУТ” ҳамда 15 дона “MIRTEL” таблеткаларини ҳамда 4 дона 5 минг сўмлик купюрадаги жами бўлиб 20 минг сўм пулларни баённома асосида ҳужжатлаштириб олишганлигини, унинг ушбу дори воситаларининг сотилиши тақиқланганлигидан хабари бўлмаганлигини, ушбу дори воситаларининг сотилиши

тақиқланганлиги ҳақида расмий огоҳлантирилмаганлигини, у дорихонага ишга қабул қилинганида ушбу дорилар сотувда бўлганини ва уларнинг сотилиши тақиқланмаганини, бу дориларни дорихона эгаси Т сотувга олиб келганлигини, унга бошлиғи ушбу дориларни сотиш мумкин эмаслигини айтмаганини, Т дориларни нима сабабдан сотувга чиқарганлигини билмаслигини, дорихонада иш бошқарувчиси қандай дори олиб келиб сотувга қўйса сотишга мажбурлигини, чунки бошлиғи унга ойлик маоши тулашлигини, бундан ташқари тақиқланган дориларни сотувга чиқариш ёки чиқармаслик унинг ваколатига кирмаслигини, қилган ишидан пушаймонлигини, унга қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатма берган.

Суд, судланувчи ММ суд мажлисида айбига қисман иқрорлик билдириб кўрсатув берган бўлса-да, унинг айби қўйидаги далиллар билан суд мажлисида ўз исботини топди деб ҳисоблайди яъни;

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Т у ўғли Бга тегишли бўлган “ББ” хусусий корхонасига қарашли Қизилтепа тумани “Қ” МФЙда жойлашган дорихонада иш юритувчи бўлиб ишлаб келишини, ушбу дорихонани 2018 йил май ойидан бери ишлатиб келишини, 2018 йил 14 декабрь куни Қизилтепа туман ИИБ ходимлари томонидан ўғли Бга тегишли бўлган Қизилтепа тумани “Қ” МФЙда жойлашган “ББ” дорихонасида тезкор тадбир ўтказилиб, тадбир давомида ИИБ ходимлари у раҳбарлик қилиб келаётган дорихонада сотувчи бўлиб ишлаб келаётган ММдан 20 минг сўм эвазига 10 дона “MR SAMNAT”, 8 дона “ФЕНИБУТ” ҳамда 1 дона “MIRTEL” таблеткаларини харид қилишганлигини эшитганини, ушбу дори воситаларининг сотилиши тақиқланганлигидан хабари бўлмаганлигини, ушбу дори воситаларини сотиш тақиқланганлиги тўғрисида огоҳлантирилмаганини, ушбу дорилар сотувчи ММни ишга қабул қилганидан олдин олиб келинганини ва сотувда бўлганини, сотувчи ММнинг бирон бир жойдан дори олиб келиб сотувга чиқариш ҳуқуқи йўқлигини, дорихонага дориларни ўзи олиб келиб сотувга чиқаришини, сотувчи у олиб келган дориларни сотишини билдириб кўрсатма берган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Ў у ҳозирги кунда Қизилтепа туман ИИБ ТЭККГда тезкор вакил лавозимида ишлашини, 2018 йил 14 декабрь куни туман ҳудудида таркибида гиёҳванд ва психотроп моддалар бўлган дори-дармонларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш мақсадида ўтказилаётган «Психотроп» тезкор профилактик тадбири давомида Қизилтепа тумани “Қ” МФЙда жойлашган “ББ” номли дорихонада тақиқланган психотроп дори воситаларини сотилаётганлиги тўғрисидаги тезкор маълумот олинганлигини ҳамда ушбу маълумотни текшириш мақсадида олиб борилган тезкор тадбирлар давомида Қизилтепа тумани “Қ” МФЙда жойлашган “ББ” номли дорихонада дори дармон воситаларини сотиш билан шуғулланувчи ММ 20 минг сўм пул эвазига шифокорларнинг махсус рецептсиз 10 дона «MR SAMNAT» номли, 8 дона «ФЕНИБУТ» ҳамда 1 дона «MIRTEL» дори-дармон воситаларини сотганлигини аниқланганини, олиб борилган қўшимча суриштирув ишлари давомида ММ ўзининг ихтиёри билан 4 дона 5 минг сўмлик купюрадаги жами 20 минг сўм пулларни ҳамда 19 дона «MR SAMNAT» номли, 10 дона «СОННАТ», 7 дона «ФЕНИБУТ» ва 15 дона «MIRTEL» дори-дармон воситаларини ИИБ ходимларига топширганлигини, ушбу далилий ашёлар холислар иштирокида ҳужжатлаштириб олинганлигини билдириб кўрсатма берган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ М у 2018 йил 14 декабрь куни туман

худудиди таркибиди гиёҳванд ва психотроп моддалар бўлган дори-дармонларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш мақсадида ўтказилаётган «Психотроп» тезкор профилактик тадбири давомида холис сифатида иштирок этганини, Қизилтепа тумани «К » МФЙда жойлашган «ББ» номли дорихонада тақиқланган психотроп дори воситаларини сотилаётганлиги тўғрисидаги маълумотни текшириш мақсадида режалаштирилган «Назорат остида сотиб олиш» тадбирига шартли харидор сифатида жалб қилинган туман ИИБ ТЭККГ тезкор вакили лейтенант Ў га тақиқланган дори воситаларини сотиб олиши учун назорат тартибиди 4 дона 5 минг сўмлик купюрадаги жами 20 минг сўм пуллар тегишли тартибда унинг иштирокида баённома тузиб, хужжатлаштириб берилганлигини билдириб кўрсатма берган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ **НН** у, Т унга ўғли Б га тегишли бўлган «ББ» хусусий корхонасига қарашли Қизилтепа тумани «Қ» МФЙда жойлашган дорихонада фармацевт маслаҳатчи бўлиб ишлашни таклиф қилганини, у Тнинг таклифига рози бўлиб, 2018 йилнинг июнь ойида дорихонани юритиш учун ваколат берувчи лицензиясини тақдим қилганлигини, шундан сўнг ушбу дорихонада ўз иш фаолиятини бошлаганини, 2018 йилнинг август ойида Тўғли Бга тегишли бўлган дорихона фаолиятини юритиш учун ваколат берадиган унга тегишли бўлган лицензияни қайтариб бериб, эндиликда қизининг дорихонани очиш имкониятини берувчи лицензиясидан фойдаланиши маълум қилиб унинг хужжатларини қайтариб берганини, ҳозирги кунда Тга қарашли дорихонада ишламаслигини, 2018 йил 14 декабрь куни Қизилтепа туман ИИБ ходимлари томонидан Б.Тошевга тегишли бўлган Қизилтепа тумани «Қ» МФЙда жойлашган «ББ» дорихонасида тезкор тадбир ўтказилиб, тадбир давомида, ИИБ ходимлари Т раҳбарлик қилиб келаётган дорихонада сотувчи бўлиб ишлаб келаётган ММ дан 20 минг сўм эвазига 10 дона «MR САМНАТ», 8 дона «ФЕНИБУТ» ҳамда 1 дона «MIRTEL» таблеткаларини харид қилишганлигини эшитганини билдириб кўрсатма берган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ **Б** у ҳозирги кунда «ХХХ» МЧЖ ҳамда «ББ» хусусий корхонаси раҳбари бўлиб ишлашини, 2018 йил 23 февраль куни Қизилтепа туман ДСИдан рўйхатдан ўтган «ББ» хусусий корхонасини очганлигини, уни номига хусусий корхона очилганидан сўнг буйруқ асосида корхонани барча ишларни амалга ошириш отаси Тга бириктирилганлигини, шундан сўнг корхонани барча ишларини отаси Т амалга ошириб келганини, у Қизилтепа туман ИИБ ходимлари томонидан 2018 йил 14 декабрь куни унга тегишли бўлган «ББ» хусусий корхонасига қарашли бўлган дорихонада тезкор тадбир ўтказилиб, тадбир давомида, ушбу дорихонада сотувчи бўлиб ишлаб келаётган ММдан 20 минг сўм эвазига Республика худудиди муомаласи чекланган психотроп моддалар рўйхатига киритилган 10 дона «MR САМНАТ», 8 дона «ФЕНИБУТ» ҳамда 1 дона «MIRTEL» номли дори воситалари харид қилинганлигини орадан 2-3 кун ўтганидан сўнг эшитганлигини билдириб кўрсатма берган.

Суд, судланувчи ММнинг айбига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, унинг айби нақд пулларни кўздан кечириш ва топшириш тўғрисидаги баённома, нарсани олиш ва кўздан кечириш тўғрисидаги баённома, экспертиза хулосалари, гувоҳларнинг кўрсатувлари ва жинойт ишида мавжуд бошқа далиллар билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд судланувчи ММнинг гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб, қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга

хилоф равишда ўтказишда ифодаланган жиноий ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига кўра судланувчи ММнинг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалиги, айбига қисман иқрорлиги, муқаддам судланмаганлиги жазони енгиллаштирувчи ҳолат, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

**Суд, судланувчи ММга нисбатан жазо тайинлашда** Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасида жиноят содир этган шахс агар иш судда кўрилатган вақтгача шароит ўзгарди ёки шахс намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабати билан ўзини кўрсатиб, ижтимоий хавфлиликни йўқотди деб эътироф этилса, суд уни жазодан озод қилиши мумкинлиги белгиланган.

Суд, судланувчи ММни муқаддам судланмаганлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлиги, киз бола эканлигини, турмушга чиқмаганлигини, Қизилтепа туман Хотин-қизлар кўмитаси томонидан “Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Хотин қизлар кўмитаси ўртасида 2018 йил 1 июнда имзоланган ўзаро ҳамкорлик меморандумидан келиб чиқиб ММни жиноят содир этмаслиги, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиши ва инсонпарварлик ҳамда одиллик тамойилларидан фойдаланиб, қонун доирасида имконият берилса, унинг хулқи ва тартибиясини ўз назоратига олишга, фойдали меҳнат ва жамоат ишларига жалб қилишда, шунингдек қайта жиноят содир этмаслигига кафолат беришликларини” сўраб судга киритилган кафолат хатини, бундан ташқари ушбу дорилар Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудлардаги дорихоналарда эркин савдода 2018 йилнинг 27 октябрь кунига қадар бўлганлигини инобатга олиб судланувчи ММни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилишни лозим топади.

Суд жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган 15 дона “ФЕНИБУТ” ва 16 дона “MIRTEL” таблеткаларини “ББ” хусусий корхонасига қарашли дорихонага тилхат асосида қайтарилганлигини инобатга олишни ва Навоий вилояти ДХХ Хўжалик бўлимига сақлаш учун топширилган 29 дона “MR SAMNAT”, 10 дона “СОННАТ” дори воситаларини йўқ қилишни лозим топди.

Суд, ҳукм қонуний кучга киргач, судланувчи ММ томонидан Навоий вилоят ИИБнинг АТИБ “Ипотека банк” Навоий вилоят филиали депозит ҳисоб рақамига топширилган 4.100.000 сўм пулларни унинг ўзига қайтаришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПК 211,454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб суд ҳукм қилади:

**Х У К М**

Судланувчи **ММ** Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилсин.

Судланувчи **ММ** Ўзбекистон Республикаси ЖК 70-моддасига асосан жазодан озод қилинсин.

Судланувчи **ММ**га нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин ва гаров сифатида Навоий вилоят ИИБнинг АТИБ “Ипотека банк” Навоий вилоят филиали депозит ҳисоб рақамига топширилган 4.100.000 сўм пул маблағлари судланувчи **ММ**га қайтарилсин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг ашёвий далил тариқасида олинган ва Навоий вилоят ДХХ Хўжалик бўлимида сақланаётган 29 дона “MR SAMHAT” ва 10 дона “СОННАТ” дори воситалари йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози томонлар 10 (ўн) сутка муддатда, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддатда шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят судига апелляция шикояти, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг иш апелляция тартибида кўрилмаса кассация шикояти ва прокурор протест келтириш ҳуқуқига эга.

Ҳукм раислик этувчи томонидан алоҳида хонада “ЛОС” русумли компьютерда ёзилди.

**Раислик этувчи**

**Х.А.Чиниев**

**Аслига тўғри**